ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ бошчилигидаги делегация давлат ташрифи билан Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияда бўлди.

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 124 (21. 223) 1992 йил 25 июнь, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

● Самимий учрашувлар ва мулоқотлар.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) ва Ж. РАЗЗОҚОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги бир қатор мамлакатлар — Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияга қилган сафари ниҳоясига етди. Бу сафар ҳақида қисқача хабарлар эълон қилган эдик. Бугун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг илтимосига биноан ташриф чоғида Ўзбекистон делегациясига ҳамроҳ бўлган «Туркистон» рўзномаси бош муҳаррири Жаббор РАЗЗОҚОВнинг сафар таассуротлари билан танишасиз.

• Ўзбекистон—Жанубий Корея

КАТТА ҚИЗИҚИШ

ЖАНУБИЙ Корея Республикаси Осиё қитъасидагина эмас, балки дунёда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган, тараққий этган мамлакатлардан бири. Саноати, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари, фан, техника тараққиёти ва таълим-тарбия — хуллас, қайси бир йўналишга эътибор берманг, ҳаммасида ўзига хосликни, юксак тараққиётчанлик ва сифатни, шу давлат обрў-эътибори учун курашни ҳис қиласиз. Давлат бошқариш тизими, бозор иқтисодиёти бўйича биз ўрнак оладиган томонлари жуда кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу галги сафари айнан Жанубий Кореядан бошлангани бежиз эмас. Бу ерда мустақил Ўзбекистон Республикаси олий даражадаги раҳбарининг Корея Республикасига илк ташрифини жуда катта қизиқиш билан кутиб олишди. Қолаверса, бизнинг юртимизда истиқомат қилаётган 200 мингдан ортиқ корейс халқининг тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшаётганлиги ана шу сафарга хосиятли таъсир ўтказганини ҳам айтишимиз керак.

Ислом Каримовни Сеулдаги ҳарбий-ҳаво кучларининг аэропортида Корея ташқи ишлар вазири Ли Сан Ок, вазир Вон Янг Ли ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Бу ердан Президент ва делегация аъзолари ўзларига ажратилган энг гўзал меҳмонхоналардан бири Лоттега қараб йўл олди. Кўчалар байрамона безатилган. Бизни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, ҳамма жойда юзлаб Ўзбекистон байроғи илиб қўйилган. Уларни Корея ҳукумати Ислом Каримовнинг расмий ташрифи учун махсус тайёрлатган экан.

Эртаси куни Чонг Ва Де Президент саройи майдонида Ислом Каримовни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Майдонга ҳукумат раҳбарлари, жамоат ва сиёсат арбоблари, Сеул шаҳрининг минглаб ёшлари тўпланишди. Қўлларида иккала мамлакатнинг байроқчалари. Қуролли Кучлар барча турларининг жангчилари саф тортди. Фахрий қоровул бошлиғи ҳурматли меҳмонга рапорт берди ва Президент билан сафларни айланиб ўтди. Меҳмонлар шарафига тўплардан 21 марта ўқ узилиб, салют берилди. Ўзбекистон ва Корея Республикаларининг Давлат гимнлари янгради. Корея Республикаси Президенти Ро Де У мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини қутлади. Ислом Каримов жавоб нутқи сўзлади. Шундан сўнг иккала мамлакат раҳбари якка-якка музокаралар олиб боришди.

Ўзбекистон Президенти Кореянинг савдо-саноат палатаси ишбилармонлари уюшмаси, кичик бизнес ва саноатчилар федерацияларининг раислари билан учрашди. Корея экспорт-импорт банкининг президенти Кванг Су Ли билан суҳбатлашди. Дунёга таниқли «Самсунг» корпорациясида бўлди.

«Соганг» дорилфунунидаги учрашув эсда қоларли бўлди. Бу ерда Ислом Каримовга университетнинг фахрий доктори дипломи топширилди.

Корея Президенти Ро Де У Ўзбекистон Президенти шарафига Чонг Ва Де саройида зиёфат берди. Зиёфатда делегация аъзолари ва Президентга ҳамроҳлик қилувчилар иштирок этишди.

Музокаралар якуни сифатида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ислом Каримов ва Ро Де У Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг принциплари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар.

Савдо-иқтисодий айирбошлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар, фан ва техника соҳасида битимлар тузилди ва иккала мамлакат фуқароларига рухсатнома беришга доир ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Кореянинг Пусан шаҳрига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда «Даэву» компаниясининг автомобилсозлик ва тўқимачилик корхоналарини бориб кўрди. Ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида фикрлар билдирилди.

Жанубий Кореяда бўлган тўрт кун ана шундай воқеаларга бой, қизиқарли ва иккала томон учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлди.

• Ўзбекистон—Малайзия

ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислом Каримов 19 июнь куни Малайзияга ташриф буюрди. Квала Лумпур аэропортида меҳмонни Малайзия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Энчи Гафар Баба, ташқи ишлар вазири Датук Абдулло Аҳмад Бадавий, Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Хорун ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Парламент саройи олдидаги байрамона безатилган майдонда Малайзия Қўшма Штатлари қироли Султон Азланшоҳ Янг Ди—Пертуан Агон IX ҳазрати олийлари Ислом Каримовни тантанали кутиб олди. У юқори мартабали меҳмонга Малайзия ҳукумати раҳбарлари вазирларини, хорижий мамлакатларнинг элчиларини таништирди.

Шу куни қирол Ўзбекистон Президенти шарафига Истан Негара саройида зиёфат берди. Зиёфатда қирол Султон Азланшоҳ Янг Ди — Пертуан Агон IX ва Ислом Каримов нутқ сўзлашди. Зиёфатдан сўнг сарой олдидаги майдонда Малайзиянинг истеъдодли санъаткорлари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Эртаси куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммад билан яккама-якка суҳбатлашди. Кейинчалик бу суҳбат делегация аъзолари иштирокида давом эттирилди.

Ўзбекистон билан Малайзия ташқи ишлар вазирлари У. А. Абдураззоқов ва Датук Абдулло Аҳмад Бадавийлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасидаги маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон Президенти «Сапура» телекоммуникация фирмасини бориб кўрди ҳамда «Петронас» миллий нефть-кимё компаниясида бўлди. «Банги» эркин савдо зонаси билан танишди ва шу ердаги энг замонавий кондиционерлар ишлаб чиқариш корхонасини кўздан кечирди.

Сафарнинг учинчи кунида Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси қароргоҳида Малайзия иқтисодий режалаштириш бошқармаси ва саноат тараққиёти агентлиги масъул ходимлари билан учрашди. Бу учрашувда иқтисодиётда янги босқичга кўтарилаётган Малайзия тажрибаси атрофлича таҳлил этилди. Эркин бозор сиёсати, мамлакатнинг экспорт имкониятлари, Малайзияни ривожлантиришнинг кейинги беш йиллик ва 2020 йилгача бўлган режалари ҳақида гап борди.

Учрашувда иккала томон ёш иқтисодчилари ва ишбилармонларининг мулоқоти зарурлиги таъкидланди.

Ислом Каримов Малайзиянинг етук иқтисодчиларини Ўзбекистонга таклиф қилди.

Шу куни Президент ва делегация аъзолари пальма ёғини ишлаб чиқариш ва саноат асосида тозалаш компанияси — (ПОРИМ)да бўлдилар ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар. Компания боғида Ислом Каримов пальма дарахти ниҳолини ўтказди.

Учрашув ва суҳбатларда Малайзиянинг тутган йўли ва иқтисодиётидаги юксак тараққиёти кўп томонлама мустақил Ўзбекистон учун ибратли эканлиги айтилди. Бу мамлакатда атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган мукаммал режалар биз учун ҳам намуна бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

• Ўзбекистон—Индонезия

МУҲИМ БОСҚИЧ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Индонезияга сафари 22 июнь куни бошланди.

Жакартанинг кўчалари байрамона безатилган. Марказий майдонларда икки мустақил давлат байроқлари хилпираб турибди, Индонезия Президенти Сухарто ҳазрати олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Сухарто ҳазрати олияларининг суратлари кўзга ташланади.

Истан Мердена номли Президент саройи олдида Ислом Каримовни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Жепара залида Индонезия Республикаси Президенти Сухарто ҳазрати олийлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни самимий қутлади. Сўнгра Сухарто ҳазрати олийлари ҳамроҳлигида Ислом Каримов ўзи учун ажратилган Висма Негарадаги қароргоҳга йўл олади.

Тушдан сўнг Ўзбекистон Президенти «Пен Бразере» тўқимачилик корхонасини бориб кўрди. Сўнгра Ислом Каримов ва делегация аъзолари Жакартадаги муқаддас масжидлардан бири Истиқлолни зиёрат қилишди.

Шу куни Ислом Каримов Индонезия вице-Президенти Судхармоно билан учрашди.

Кечқурун Президент саройида Ўзбекистон делегацияси шарафига зиёфат бўлди ва миллий санъат усталари ижросида концерт қўйиб берилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида Ислом Каримов Президент Сухарто ҳазрати олийлари билан учрашди. Айни вақтда икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар ҳам бошланди.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий ва савдо, фан-техника ва маданият, дипломатик алоқалар ўрнатиш бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ислом Каримов Индонезия миллий банки бошқарувчиси Адриамус Моу, Индонезия савдо палатаси (Кадин) раҳбарлари билан учрашди.

●Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу уч мамлакатга сафари чоғида журналистлар билан бир неча бор учрашди. Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия мустақиллиги учун ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияга қилган сафари ниҳоясига етди. Бу сафар жумҳуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини яхшилаш йўлида муҳим босқич бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

И. А. КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган сафаридан 23 июнь куни кечаси Тошкентга қайтиб келди. Ислом Каримов бошчилигидаги делегация давлат ташрифи билан Корея Республикасида, Малайзия ва Индонезияда бўлди.

Тошкент аэропортида республика Президенти ва делегация аъзоларини Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Мутолов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов кутиб олдилар.

(ЎзА).

КУЧ БИРЛИКДА— БАРАКА ТОТУВЛИКДА

24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркистон шаҳрида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди. Тарихан илдизи бир бўлган икки қўшни халқ давлат раҳбарлари қадим Туркистоннинг Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишгач, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани бу ерга ташриф буюрган юз мингдан зиёд аҳоли кўз ўнгида тантанали суратда имзоладилар.

Шу куни кўҳна Туркистон аҳли икки мустақил давлатнинг ўртасида тарихда биринчи марта ана шундай ҳужжат имзоланишига гувоҳ бўлдилар. Бундан буён қондош ва жондош бу икки қўшни халқ бугунги кунда зиммаларида турган айни пайтда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам асосланган иқтисодий, илм-фан ва маданият, маориф ва ижтимоий соҳадаги барча масалаларни куч-ғайратларини бирлаштириб, бир-бирига ҳамкор, бир-бирига мададкор бўлиб ҳал қиладилар. Зеро, мазкур шартноманинг бобокалонимиз Хўжа Аҳмад Яссавий юрти Туркистон шаҳрида имзоланганининг рамзийлиги ҳам ана шундадир.

(ЎзА).

Президентлар учрашуви ҳақидаги ҳисобот газеталарнинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов 23 июнда АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Том Грэхэмни унинг илтимосига биноан қабул қилди. У америкалик дипломатга ХДП ва унинг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Меҳмоннинг саволларига жавоб қайтарди. Суҳбат ўзаро манфаатдорлик ва самимият руҳида ўтди.

Суҳбатда АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг сиёсий масалалар бўйича биринчи котиби Жон Паркер, ХДП Марказий Кенгаши Парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлимининг мудири Шоқосим Шоисломовлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг матбуот маркази.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Агар 12 июлгача газетага ёзилсангиз уни 1 августдан олиб ўқийверасиз. Газета баҳоси обуначига бир ярим сўм, сотувда эса 2 сўм.

Эслатиб ўтамиз: обуна баҳоси бир ойга — 33 сўм, уч ойга — 97 сўм 50 тийин, беш ойга — 165 сўм. Газетанинг нашр кўрсаткичи — 64583.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

И. А. КАРИМОВнинг Индонезияга ташрифи ниҳоясига етди

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Индонезияга қилган давлат ташрифини 23 июнда тугаллади. Шу мамлакат Президенти Сухарто, бошқа расмий кишилар билан икки кунлик музокаралар якунида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг йўналиши ва тусини бир неча йилгача белгилаб туради.

Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги протокол, иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди.

Жакартада журналистлар билан бўлган суҳбатда республикамиз Президенти ташриф якунларига ва Президент Сухарто, Индонезиянинг бошқа сиёсий арбоблари билан музокараларнинг якунларига юқори баҳо берди. Ўзбекистон Индонезиянинг иқтисодий тараққиёт тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришдан манфаатдордир, чунки у кейинги йилларда ғоят узлуксиз тараққий этаётган мамлакатлардан бири бўлиб қолди, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. Менинг фикримча, деди И. А. Каримов, XXI асрда Индонезия дунёнинг энг баркамол давлатларидан бири бўлиб қолади, биз ҳам унинг тажрибасидан фойдаланиб, шундай даражага эришишни хоҳлаймиз. Бизнинг мақсадимиз хорижий капитални, илғор технологияни жалб этиб, бир неча йил ичида тараққий этган мамлакат даражасига етишдан иборат, деди Президент.

Республика Президенти Ўзбекистоннинг ички аҳволи ҳақида гапирар экан, тинчлик ва барқарорликни сақлашни ўзининг бош вазифаси деб атади. Республикада яшаб турган барча халқлар, элатлар ва миллий гуруҳлар учун уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишни таъминлаш, Ўзбекистоннинг миллий бирлигини сақлаб қолиш, айниқса, муҳимдир, деб таъкидлади у.

И. А. Каримов Индонезиянинг ядровий қуролсизланиш учун олиб бораётган курашига ва унинг бу масаладаги изчил сиёсатига юқори баҳо берди. Ўзбекистон ҳам, деди у, ядро қуроли тарқалишига қарши, унинг йўқ қилиб ташланиши учун курашмоқда. Бу жараён қурол-яроғларнинг оддий турларига ҳам жорий этилиши керак.

Ўзбекистон Президенти республиканинг аввалига қўшилмаслик ҳаракатининг кузатувчиси, сўнгра эса тўла ҳуқуқли аъзоси ҳам бўлиб қолиш ҳақидаги қарорини маълум қилди.

23 июнь куни И. А. Каримов билан Сухарто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди.

Шу куни кечқурун Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг делегацияси Жакартадан юртига жўнаб кетди.

(ЎзА).

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАСАНГ...

● Партия обрўси — унинг ҳар бир аъзоси, етакчилари нуфузи билан белгиланади. Ёнингдаги қийналган одамдан «Ҳолинг не кечяпти?» деб ҳол-аҳвол сўрамай, кошона қурсанг, машина устига машина олиб минсанг, адолатдан оғиз кўпиртириб, ҳақсизликка йўл қўйсанг, сенга ким ишонади? Сен аъзо бўлган партиянинг обрўси нима бўлади?

Биз ўзимиз ишлаётган Қарши шаҳар партия кенгаши фаолиятини бўрттириб рўзнома сааҳифаларини тўлдиришимиз мумкин. Илгари расм бўлиб келган бу хилдаги чиқишлардан асло наф йўқ, аксинча зарари бор, холос. Қўйинг, яхшиси ўзимиздаги ижобий ишлар ва муаммолар тўғрисида бор гапни айта қолайлик...

— Алло, бу горкомми?

— Шаҳар партия кенгаши.

— Эски горком-да. Болам, яна ўзларинг ёрдам қилмасанглар бўлмайди. Уруш ногирониман. Қўшнимизникидан қўнғироқ қилаяпман. Яна телефон ишламай қолди. Истансиясига айтдим. Фақат хўп, хўп дейди...

— Бўпти, отахон, шуғулланамиз. Манзилгоҳингизни айтинг.

— Барака топ, болам... Бу лавҳани шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин бу билан бошқаларнинг фаолиятига соя солмоқчи ҳам эмасмиз. Демоқчимизки, кишилар партияга ишонаяпти. Одамлар ишончини оқлаш керак. Бу менинг хизмат доирамга кирмайди, бу менинг ишим эмас, дейиш эса ярамайди. Тўғри, ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши керак. Инсон манфаати, осойишталиги, юрт тақдири, тинчлиги тўғрисида гап борганда ХДП нинг оддий аъзосидан тортиб бош етакчисигача ўзини бу ишдан четга олмаслиги лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар ташкилоти ҳозирги иқтисодий қийинчилик, мураккаб жараёнлар даврида шаҳарда барқарорликни, Президент фармонлари ижросини таъминлаш, ҳар бир оила рўзғори бут бўлиши учун қайғурмоқда. Тегишли назорат органлари билан ҳамкорликда аҳолининг меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминланишига катта эътибор бермоқдамиз. Ҳамма минтақаларда бўлгани каби бизда ҳам бу камчиликлар йўқ эмас. Лекин шаҳар ҳокимлиги билан биргаликдаги ишлар натижасини бермоқда. Хўжалик ишларига аралашаяпсизларми, дейишингиз мумкин. Нима, парламент партияси эканмиз, деб навбатдаги сайловни кутиб туришимиз керакми? Президент партияси бўладиган бўлсак унинг мавқеини мустаҳкамлаш, тутган йўлини элга тушунтириш, фармонлари ижро этилишига партия аъзоларини сафарбар этишимиз керак. Ғалаба осонлик билан қўлга киритилмайди. У ҳар бир соат, ҳар кунлик курашлар интиҳосидир.

Қадриятларга назарнинг кескин ўзгараётганлиги, тўғриси, сиёсий тарғиботчиларни эсанкиратиб қўйди. Тан олиш керакки, уларнинг фаолияти анча суст. Маҳалла, чойхоналарда, маъракаларда диндорлар ҳаммани оғзига қаратиб ўтиради. Қани энди, тарғиботчимиз чинакамига муқаддас Қуръон сураларини тафсир қилиб берса ёки пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини тўғри шарҳлаб бераётган чала мулла қулоғига чалинган гапларни баландпарвоз оҳангларда «қироат» қилса-ю, кечирасиз домла, аслида мана бундоғ, дейдиган мард топилмаса. Атеист бўламиз деб кўп фойдали илмлардан бехабар қолган эканмизда. Шунинг учун биз марксизм ва диний таълимотдан бохабар бўлган кадрларни ўз ишимизга жалб этишимиз лозим. Ҳа, мақталган «передовой» пропагандисту агитаторлар ҳам шошилиб қолишди. Ғалати-да кечаги сотқин деганимиз бугун қаҳрамонга айланса, аксинча қаҳрамон деганимиз бунинг тескариси чиқиб қолган бўлса. Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, ўз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний ва холисона танқидий таҳлил қила бошладик. Лекин бу жуда нозик иш. Бу борада яна бир ёққа оғиб кетишдан парвардигорнинг ўзи асрасин. Тилагимиз шуки, республикамизнинг отахон рўзномаси бўлган «Ўзбекистон овози» чуқур илмий асосланган материаллар ҳам бериб борса, бизларга жуда қўл келур эди.

Қарши шаҳар партия ташкилотимиз сафида 6900 га яқин киши бўлиб, шулардан 3621 нафари собиқ компартия аъзоларидир. Улар 210 та бошланғич партия ташкилотига уюшган. Апрель-май ойларида бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми материаллари ва Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида»ги хати кенг муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишларда шаҳар ва вилоят партия кенгашлари котиблари, аъзолари, масъул ходимлари иштирок этдилар. Партия аъзолари ҳозирги қийин вазиятдан чиқиш юзасидан танқидий фикр, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Очиғини айтганда, бошланғич партия ташкилотларида бўлган чоғда партия билетини бу йил оламизми, йўқми, деган саволга нима деб жавоб беришга ҳам ўйланиб қоласан. Бу борада мутаасадди ўртоқлар шошилиши керак. «Ана келади, мана келади» деб алдаш етар энди. Ҳозир уларнинг қўлидаги гувоҳнома муваққат, яъни вақтинчалик. Бу шунчаки расмий нарса бўлиб, партия аъзоларининг руҳиятига таъсир этмаганида эди, биз буни яна таъкидламаган бўлардик.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши ва шаҳар хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби А. Р. Очилов «Шаҳар партия ташкилотининг партия дастурий мақсадлари ва ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи асосий йўналишлари тўғрисида»ги масала бўйича маъруза қилди. Шаҳар ҳокими М. А. Маҳмудов «Ўзбекистон Президенти Фармонларининг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида» ахборот берди. Бу тадбир мақсадлар муштараклиги ва ниятлар холислигини намойиш этди.

Шаҳардаги 23 та маҳаллада, бир неча уй-жойдан фойдаланиш идоралари қошида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар душанба куни шаҳар ҳокимининг маҳалла кенгашлари раислари билан ўтказаётган йиғилишларида ҳудудий партия ташкилотлари котиблари ҳам иштирок этадилар. Котиблар ушбу йиғилишларда маҳалладаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва муаммолар юзасидан ахборот берадилар. Шунингдек, ўз навбатида шаҳар ҳокимлиги ва партия кенгаши олиб бораётган ишлар тўғрисида аҳолига маълум қилиб турадилар. Биз ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам халққа рўй-рост айтишга ҳаракат қилаяпмиз. Элга кўнглингни очсанг, улар ҳам сенга кўнглини очади. Шу мақсадда ижроия бюро мажлисларини ҳам кўпроқ жойларда ўтказаяпмиз. Маҳаллада муаммо чиқиб қолса, хизмат кўрсатишдан норозилик тўғрисида хабар топсак, барча тармоқ раҳбарларини маҳалла комитетига олиб бориб, очиқ юзма-юз мулоқот ўтказамиз.

Дарвоқе, «Ўзбекистон овози» рўзномасини ҳар бир маҳалла идорасига етиб борадиган қилдик. Обунани уюштирдик. Бунга партия фаолларимиз, ўзига тўқ оила бошлиқлари ёрдам бераяпти. Илгариги «қизил бурчак»ка ўхшаш жой жиҳозланиб газета таҳлаб борилади.

Шаҳарда бирор тадбир йўқки, уларда партия етакчилари иштирок этмаса. Наврўз—халқ байрами дейсизми, 1 Май—халқ сайли, 9 май—Ғалаба байрами дейсизми, ҳамма-ҳаммаси шаҳар ҳокимлиги, партия кенгаши, ёшлар ташкилоти, фахрийлар, хотин-қизлар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ташкил этилди. Баҳоли қудрат ҳайру эҳсонлар улашилди, беморлар ва ночорлар ҳолидан хабар олинди, ёрдам кўрсатилди. Яхшигина савдо, ўйин-кулгилар уюштирилди. 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 100 га яқин кам таъминланган оила болаларига моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оилаларга турли хил кўмак берилди. Мазкур тадбирни иқтисодий имконияти етарли бўлган корхона ва муассасалар ўз зиммаларига олдилар. Хайрли ишларга бошланғич партия ташкилотлари котиблари бош-қош бўлаяптилар. Бизда якка-ярим оилада баъзан бирор кор-ҳол бўлса, айтайлик, бирор савдо ташкилоти дарҳол ёрдам қўлини чўзади. Биз «оғриқли» жойни сезиб, бирор ташкилотга эслатсак бас. Шунда одамлардан меҳр-шафқат кўтарилмаганлигидан хурсанд бўласан, киши. Бу тадбирлар шаҳарликларимиз руҳини анча кўтарган бўлса ажабмас. Шунинг учун бўлса керак, қийинчиликларга қарамай шаҳарда қурилиш суръати, ишлаб чиқариш меъёри ҳам ёмон эмас.

Маълумки, партия фаолиятининг асосий йўналиши — бу парламент иши. Бизда азалдан ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари иши изга солинганлиги жумҳурият президенти сайлови пайтида ўз самарасини кўрсатди. Айни пайтда ҳам сайлов мавзеларида партия ташкилотларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Шаҳар кенгаши ноибларининг 75 фоизи ХДП аъзоларидир. Сессияларга муҳим масалалар киритилаётганда уларда ташкил топган партия гуруҳи ўз позицияларини келишиб олади ва ҳимоя қилади. Шунингдек, партия аъзоси бўлган ноиблар обрўсини мустаҳкамлаш учун уларнинг сайловчилар наказларини қандай бажараётганлигини назорат қиламиз ва амалий ёрдам кўрсатамиз.

Турли раҳбарлик лавозимларида ХДП аъзолари туришибди. Кўп нарса уларнинг обрўсига боғлиқ. Шу боис аввало, раҳбар лавозимларга ҳалол, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган партия аъзоларини тавсия этишимиз зарур. Шу кунларда маҳалла комитети раислигига кадрлар тавсия этиш давом этмоқда. Бу соҳада кадрнинг одамлар орасидаги обрўси, партия ишига садоқати эътиборга олинмоқда. Партия ўз аъзоларини ноўрин камситишдан ҳимоя қила олса, айни чоғда ўз номига доғ тушираётган, партия обрўсига путур етказадиган кадрларга муросасиз бўлсагина халқ ишончини қозониши мумкин.

● Хуллас, ҳали олдинда ишлар жуда кўп. Умуман, бизнингча, ҳозир партия оёққа турайтган пайт. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурда белгиланган кўп укладли иқтисоднёт ва бозор муносабатларини ривожлантириш, яъни корхоналарнинг ҳам кенгайишига имкон берувчи, фуқароларни ҳам оғир аҳволга солиб қўйишдан муҳофаза этадиган оқилона иқтисодий сиёсатни, демократия ва маънавий камолот сари етаклайдиган чораларни собитқадамлик билан амалга оширар экан, унинг етакчи партия сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлашига имконимиз комил.

М. ТУРОПОВ,
Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши котиби.

Д. МАҲДИЙ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия ташкилотчиси.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

● ФАКУЛЬТЕТИМИЗ жамоаси республика озиқ-овқат саноатининг етакчи соҳаларига етук муҳандислар етказиб бериш билан машғул. Ёғ-мой, гўшт-сут маҳсулотлари ва консервалаш технологияси ихтисосликлари бўйича тайёрланаётган ёш мутахассисларимиз жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидаги корхоналарда хизмат қилишмоқда.

Ҳозирги вақтда тарбия олаётган, кейинчалик корхоналарга йўлланма оладиган талабаларимизнинг ўқиш савиясини тубдан яхшилаш, роботларни ишга солишни ўрганиш, ишда ЭҲМ хизматидан фойдаланиш, янги технологик жараёнлар асосини билиб олишларини кўзлаб иш кўрмоқдамиз. Чет эллардаги олий техника билимгоҳларида кўп йиллар ишлаган ўқитувчиларимиз ўз тажрибаларнинг қўлланиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу борада Жазоир, Туркия, Франция, АҚШ каби мамлакатлар эришган ютуқлар умумлаштирилиб, уч поғонада олти йиллик ўқитиш бўйича услубий материал ҳамда дастурлар тайёрлана бошланди. Янги ўқув йилидан бошлаб эса икки йиллик коллеж, тўрт йиллик бакалаврлиқ ва олти йиллик магистрлик даражасини олишга интилган ёшларни ўқитишга киришиш ниятимиз бор.

Вазирлигимизда янги тизимда ўқитиш Низомини ишлаб чиқиш бўйича тўртта комиссия ишлаётгани бежиз эмас. Анчагина талабаларимиз Туркияга бориб, ўқиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Ҳозирги кунда улар дарслардан бўш вақтида қўшимча равишда инглиз тилини, баъзилар ўз ихтиёри билан турк тилини ўрганишмоқда. Тез орада улар тест ёрдамида синовлардан ўтказилади. Муваффақиятли ўтганлар танлаб олинади. Иқтидорли ёшларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларни нозик дидли, юқори савияли ва улкан маданият эгаси сифатида тарбиялаб вояга етказишни замон тақозо этмоқда. Йигирма биринчи аср озиқ-овқатимиз технологиясига раҳбарлик қиладиган, чет эллик мутахассислар билан мулоқотда бўладиган технологлар бозор иқтисодини яхши билган, илғор технологияни тезгина саноатга жорий эта олишга қодир мутахассис бўлишлари зарур. Шу ҳолатларни ҳисобга олган жамоамиз ходимлари ва билимгоҳимиз раҳбарияти ўз ҳисобидан лицей, тайёрлов бўлими очиб, бўлажак талабаларга дарс беришмоқда.

Республика концернлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, турли корхоналар ишчи фарзандларини жойларда ўқишга жалб қилиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида мактаб-интернат очилди. Саноати ривожланган Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги корхоналар, ишчиларидан йигирма кишининг фарзанди ана шу мактаб-интернатда билим олишяпти. Бу йигит-қизлар олий билимгоҳимизни битириб чиққач, ўз шаҳарларига бориб, отаонаси билан ёнма-ён меҳнат қиладилар. Бу билан

Олий таълим: изланишлар йўли

келажакда саноат шаҳарларидаги кадр етишмаслиги масалалари бир қадар ҳал қилинади, деб ўйлаймиз. Янги ўқув йилида лицейга, мактаб-интернатга ва тайёрлов бўлимимизга қабул қилинадиган ўқувчилар сони кўпайтирилади. Эндиликда бараварига ҳам ўнинчи, ҳам ўн биринчи синф ўқувчилари лицейимизда билим оладиган бўладилар.

Факультетимизнинг келажакдаги режалари аниқланмоқда. Нон, кондитер маҳсулотлари ва озуқа концентратлари, донни сақлаш, уни қайта ишлаш технологияси ва қандни қайта ишлаш технологияси бўйича келаси йилдан талабалар қабул қилиб, ана шу ихтисосликлар бўйича муҳандислар тайёрлашга киришамиз. Бу борада республикамиздаги кўплаб озиқ-овқат корхоналаридан талабномалар олдик. Шу билан бирга соҳалар бўйича олий малакали илмий кадрлар тайёрлашни ҳам режалаштирмоқдамиз. Докторантура очиш, аспирантурани кенгайтириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада техника фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, профессор А. Абдураҳимов, техника фанлари доктори, профессор С. Абдураззоқова, техника фанлари доктори, профессор Р. Мирзакаримов ва бошқалар жонбозлик қилмоқдалар.

Бу олимларимиз сифатли озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, технологик тизимларни яхшилаш, чиқиндилардан фойдали ва халқ хўжалигига керакли нарсаларни тайёрлаш билан машғул бўлмоқдалар. Саноат корхоналари билан ҳамкорликда олиб борилаётган қатор илмий-тадқиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Шундай ҳамкорлик туфайли фақат виночилик соҳаси бўйича корхоналар ўтган йили миллион сўмдан ортиқ фойда олдилар. Бошқа корхоналар ҳам олимларимиз ёрдамида ўзларидаги қатор қийинчиликлардан қутулишга, иш унумини ошириш ва маҳсулот сифатини анча яхшилашга эришдилар. Ачитқи маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси кафедрасида профессор С. Абдураззоқова бошчилигидаги илмий ишлардан икки йилда олинган самара икки юз минг сўмдан ошди. Ёғлар технологияси кафедрасида ҳам бу борада катта ютуқларга эришилди. Олинган илмий натижалар ўқув жараёнига ҳам татбиқ этилмоқда, ёзилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига киритилмоқда.

Ўқув жараёнининг асосий қисми ўтган йилдан бошлаб давлат тилига ўтказилди. Бу борадаги ҳукумат дастурини бажаришдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, ўқув-услубий адабиётлар, янги услубдаги дарслик ва қўлланмалар, қўлёзмалар тайёрланмоқда. Кафедра, лаборатория, бўлимларда иш юритиш ҳам асосан давлат тилида олиб борила бошланди. Маъруза эшитадиган талабаларга олдиндан тайёрлаб қўйилган ва мазкур кундаги мавзу мазмунини очиб берадиган «Тарқатиш материали»ни бериб қўйиш тажрибаси амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Жамоамиз ўз олдига қўйилган юксак ва масъулиятли вазифани амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётир.

Қ. АҲМЕРОВ,
Тошкент кимё-технология институти озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси факультети декани, кимё фанлари докторн, профессор.

(Қалам ҳақини рўзнома жамғармаси ҳисобига ўтказишингизни сўрайман).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Қува консерва заводида ёзнинг айни шу кунларида иш қизғин. Корхонага давлат ва жамоа хўжаликларидан мева-сабзавот маҳсулотлари пешма-пеш келиб турибди. Қайта ишловчилар мева-сабзавотдан сифатли консерва маҳсулотлари тайёрлашяпти.

СУРАТДА: завод консерва цехи ишчилари Ҳаётхон Маматова (чапда) ва Наргиза Қодировалар.

Суратқаш М. САРИМСОҚОВ.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА КАСАБА УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг таъсис касаба уюшма конференцияси бўлиб ўтди.

Ташкилот комитетининг маърузасида, жойлардан келган вакилларнинг нутқларида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар собиқ СССР армиясига ҳам бевосита таллуқли бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Республиканинг ўз Қуролли Кучлари тузилиши армияга эркин ёлланувчиларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида янги вазифаларни ўртага қўйди. Ўзбекистондаги гарнизонларда, ҳарбий муассасалар ва ўқув юртларида кўпгина фуқаро шахслар ишлайди. Уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган кафолатлар зарур.

Шу боисдан, қолаверса армиядаги касаба уюшма ҳаракатини мустаҳкамлаш учун ҳам янги жамоат ташкилоти тузилмоқда.

Конференцияда касаба уюшмасининг давлатдан, ҳарбий, хўжалик органларидан, сиёсий ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақиллиги ҳақида қарор қабул этилди. Ҳаракатни мувофиқлаштириб туриш учун республика Мудофаа ишлари вазирлиги билан битим тузиш белгиланди. Қуролли Кучлар ходимларининг касаба уюшмаси шартнома асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига киради. Бунда ваколатларнинг бир қисми федерация кенгашига берилади.

Жойлардан келган вакиллар ўз касаба уюшма ташкилотининг Низомини қабул қилдилар, бошқа бир қанча масалаларни ҳал этдилар.

А. Г. Штеркель Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимлари касаба уюшмаси республика комитетининг раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ДАВЛАТЛАРАРО ШАРТНОМА

● Беларусь Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевичнинг Польшага ташрифи бошланди.

Варшавада иккала мамлакат ўртасида ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари ҳақида давлатлараро шартноманинг имзоланиши кўзда тутилади. Шушкевичнинг Польша президенти Лех Валенса, бош вазир Вальдемар Павляк билан учрашувлари ҳам мўлжалланган. Ташриф чоғида Польшанинг бошқа расмий шахслари билан мулоқот ҳам белгиланган.

МОЛДОВАГА ЙЎЛ ОЛАДИЛАР

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Галининг расмий вакили журналистлар билан учрашди.

Расмий вакил БМТ Бош котибининг қарорини уларга маълум этди. Шу ҳафтанинг охирларида Молдовага расмий кишилар келишади. Улар БМТнинг фактларни аниқловчи делегати сифатида Молдовага ташриф буюришади.

28 НОМЗОД

● Ҳиндистонда президент сайлови куни яқинлашмоқда.

Бугунга қадар президентлик лавозимга 28 номзод расмий равишда рўйхатга олинган. Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти бўлиб турган Шанкар Дайял Шарма юксак лавозимга энг аниқ даъвогар сифатида тилга олинаётир. Унинг номзодини Ҳиндистон Миллий конгресс(И) партияси кўрсатган бўлса, етакчи сўл партия —марксчи компартия унинг номзодини қўллаб-қувватлашга қарор берди.

ПОЕЗДЛАР МУНТАЗАМ ҚАТНАЙДИ

● «Ипак йўли» халқаро йўловчилар поезди Олмаотадан Шинжонг—Уйғур мухтор ноҳиясининг маъмурий маркази — Урумчи шаҳрига келди.

Шу тарика Трансосиё йўли орқали Қозоғистон билан Хитой ўртасида мунтазам поезд қатнови бошланди.

Йўловчилар орасида Қозоғистон делегацияси вакиллари ҳам бор. Унга Қозоғистон бош вазири Сергей Терешченко бошчилик қилаётир. Урумчида Хитой вакиллари билан музокаралар бўлди. Икки қўшни дўст мамлакат ҳамкорлигининг истиқболи ҳақида сўз борди.

«Ипак йўли» поезди таркибига Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида вагонлар тиркалиши мумкин. Шу республикалар темир йўл идораларининг намояндалари ҳам «Ипак йўли» поездининг дастлабки йўловчилари бўлишди.

КИМОШДИ САВДОСИДА

● Нью-Йорк шаҳридаги «Сотби» фирмасининг кимошди савдосида 65 минг долларга генерал де Голлнинг 8 қўлёзмаси сотиб олинди.

Франциянинг собиқ бош вазири Пьер Мессмер Шарль де Голль институтига бошчилик қилаётир. Сотиб олинган қўлёзмалар де Голлнинг 1940 ва 1942 йиллар ўртасида Лондондаги Би-би-си радиостанцияси орқали сўзлаган нутқлари матнларидир.

МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН

● Америка президентининг матбуот котиби Марлин Фицуотер Оқ уйда журналистлар билан учрашди.

У саволларга жавоб қайтарди. Днестр бўйидаги можарони фақат тинч воситалар билан, томонлар ўртасидаги сиёсий музокаралар орқали бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. АҚШнинг мустақил республикалардаги элчихоналари можарода қатнашаётган барча томонлар билан алоқа боғлаб туришибди, деди матбуот котиби.

ЕР ОСТИДА СИНОВ

● АҚШнинг Невада штатидаги полигонда ядро қуроли ер остида синаб кўрилди.

Полигон Лас—Вегасдан 128 километр нарида жойлашган. Бу кейинги беш кун ичидаги иккинчи синов эканлигини АҚШ энергетика вазирлиги хабар қилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

НОДИРА ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мерос

• «Ўзбекистон овози» жамоасининг таклифлари:

• ТОШКЕНТ МЕТРОСИ БЕКАТЛАРИДАН БИРИ НОДИРА НОМИГА ҚЎЙИЛСА.

• АНДИЖОН ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ШАҲАР ЕКИ РАЙОНЛАРДАН БИРИГА ШОИРА НОМИ БЕРИЛСА.

• ТОШКЕНТ, АНДИЖОН, МАРҒИЛОН, ҚЎҚОН ВА БОШҚА ШАҲАРЛАРДА НОДИРА НОМЛИ ХИЕБОНЛАР, БОҒЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛСА.

• НОДИРА НОМЛИ АДАБИЙ МУКОФОТ ТАЪСИС ЭТИЛИБ, ИСТЕЪДОДЛИ ШОИРАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛСА...

НОДИРА

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Баҳор келди кўзум гулга боқмади асло,
Нединки, гулшан аро гулруҳим эмас пайдо.

Юзимга бўлди юзинг нуқтарин, биҳамдиллаҳ,
Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.

Сариғ юзимда қизил ашкни таровати бор,
Нечукки, соғари заррин аро майи ҳумро.

Лабидин айру менга бода тутма, эй соқий,
Хумор кулфатиға нофеъ ўлмади саҳбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фироқ лашкари туғёнидин маозаллоҳ,
Ки қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.

Юзинг назораси ушшоқларни фирдавси,
Ҳаримй даргаҳинг аҳбоба жаннат-ул-маъво.

Сенинг салосили зулфингга мубталодурман,
Ки бўлди ақлу хирад қушлариға доми бало.

Фалакдин-ўтди фиғоним, қуёшга етди уним,
Ҳануз, Нодира, кам бўлма бу оҳу ғаво.

* * *

Ғазаб бирла нигорим ўтди ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра зинҳор этди у маҳваш,
Фироғу ҳажр жомидин мени масту хароб айлаб.

Кўнгул шодоб эрди журъаи жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтиға кетти бағримни кабоб айлаб.

Мурувват айла жоно, сендин айру тийрадир шомим,
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамо-дам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма зоҳид иҳтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа чарх анжуманларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдур ҳисоб айлаб.

Лабидин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқий,
Менга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариғо, кетти охир гавҳари мақсуд илгимдин,
Топиб эрдим сени маҳбублардин интиҳоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун каломини
Ёзар, таҳсини шеъри ҳисравӣ олий жаноб айлаб.

* * *

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин ғамида рўзғорим ўтқучидур,
Ки ёри сиймтанимни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври роҳатим ўтти зиҳи саодат эди,
Муроди жону танимни тушумда кўрсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кўнглум,
Ки кокули Хўтанимни тушумда кўрсам эдим.

Юзи гулу қади шамшод, кўзларим наргис,
Баҳор ёсуманимни тушумда кўрсам эдим.

Жафои ҳажр билан кўксуми нигор қилай,
Нигоҳи сеҳр фанимни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,
Бало ўти фиғанимни тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули таъбим фиғону зор этар,
Ки орази чаманимни тушумда кўрсам эдим.

Фироқи Нодира кўнглумға доғлар қўйди,
Амири сафшиканимни тушумда кўрсам эдим.

• ШОИРАГА БАҒИШЛАНАДИ •

ДИЛШОД

Келинг, қизлар, чалайлик даф ила соз,
Бир осойиш замонни чорлайлик боз.
Диёримизни таъриф айламакка
Ҳамма мақсадни бирга айлайлик соз.
Қўшиқни Нодира шеъриға боғлаб,
Бўлайлук созиға бизлар ҳамовоз.
Увайсий бирла Маҳзуна қошида
Турайлук суҳбат айлаб бирга дамсоз.
Ғазаллар пардасини ҳар қаноти,
Ҳаётлик кўнглимизда этса парвоз.
Кимики мисла маъдан эрса рангин,
Ғазаллар ҳусни эрмас, балки пардоз.
Жамолиғ мисра аслы эрса, Барно
Уқуған одам айлар онча эъзоз.

* * *

Тонг маҳал чиқди ҳарамдин турфа моҳ,
Шеърият тожини кийган подшоҳ.
Таъзим этдик иҳтироми назмиға,
Лойиқ айлаб анга ҳурмат, иззу жоҳ.
Ким — дедим, Нодира, дедилар ани,
Ёнида Вайсий турар оламфаноҳ.
Ҳар бири минг шоира ўрнидадур,
Иккови бирлар тўлур ҳар боргоҳ.
Бир анор васфи учун минг офарин,
Деб малика бир манга қилди ниғоҳ.
Шу билан етди бошим то осмон,
Қалбимга тўлди лиқ меҳри гиёҳ.
Даврасида ўлтуриб Дилшод эдим,
Айрилиқ этди ҳолим табоҳ.

АНБАР ОТИН

Қай куни бўлғайки, бўстонимға бир меҳмон келур!
Гул очилғон чоғида бир булбули ҳандон келур!

Қайси кун байтул-ҳазанимни ёртмоқ соати!
Бу қаро ғорим ичига парпираб шамдон келур.

Аслида бўстон бўлиб, ғоригa ўхшар тақлиди,
Чунки ғурбатдин асорат-бўйи қабристон келур,

Бор умидим бўстоним яшнағай қайтиб яна,
Ман ила суҳбат учун Нодираи даврон келур.

Ул улуғ устод кейиндин манга меҳмон бўлиб,
Куйлашиб шоирлари қошимға юз чандон келур

Бора-бора дашту саҳро ҳам бўладур лолазор,
Навжувонлар сайр учун албатта беармон келур.

Анбарим ҳидини бўйлаб, кайфидин хушнуд ўлиб,
Эвазига ман кабилар дардиға дармон келур.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

«Бу кунларда янги китоблар ёздириш ва буларга зеби-зийнат беришга фармон қилиб бир кутубхона бино эттирди. Бу кутубхонада ишлончи котиблар, наққошлар, рассомларга шундай карам ва эҳсонлар кўргазди, бунинг овозаси атроф оламга машҳур бўлди. Амударёнинг бу томондаги ёқутқалам котиблар, Мирали рақам роқимлар, наққошлар, ҳалкорлар, Моний каби рассомлар бу ерга жам бўлдилар. Шу жамоадан Беҳзод хислатли домла Муҳаммад Ниёз ўз замонасининг ягонаси эди. Туркистондан то Румгача бу ҳунарманд нақкошнинг овозаси кетган эди. Бу устозга яна бир қанча моҳир ҳалкор наққош ҳунармандларни қўшиб, варақларга зеби-зийнат бериш учун тайинланди. Харамхона хизматкорларидан Олима отун Хонимдан қандай топшириқ бўлса, бекаму кўст бажарар эди. Зийрак, доно, Олима отун шу даргоҳнинг қадимий хонимларидан бўлгани учун ташқаридаги давлат ходимлари ва улар орасидаги ишларни Хонимга маълум қилиш учун тайинланган эди.

Самарқандлик мулла Хожа Муҳаммад котиб, мадрасада ўқувчи талабалардан бўлиб, фазилат ва камолат ва ҳуснихатда ўз асрининг Миралиси ва даврининг Маҳмуди эди».

ХОТИФ.

* * *

«Нодира ижодининг энг муҳим фазилатларидан бири шундан иборатки шоирада фантазия, фикр парвози зўрдир, эркин, озод фикрлилик кучлидир. У мураккаб инсон психологияси, ички дунёсини, нозик ҳиссиётини чуқур очишга ва кенг акс эттиришга интилади, инсоний муҳаббатни ажойиб воситалар билан қуйлайди. Шу ҳиссиёт севгини баъзан дин ақидаларига ва тақводорларга қарши қўяди, шу ҳиссиёт севгини бир неча бошқа муҳим ижтимоий масалалар билан боғлаб олиб ифодалайди. Бу нарса Нодира ижодий фаолиятида қўйилган ва куйланган муҳаббатнинг кенг кўлами эканлигидан дарак беради».

Воҳид ЗОҲИДОВ.

• УЛМАС СИЙМОЛАР

ДУНЁ ЧАМАНИНИНГ БУЛБУЛИ

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.
Дунё чаманини булбули сен,
Гул шоҳида ошён этиб кет.
Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.

Назокат ва муҳаббат ила йўғрилган бу сатрларнинг муаллифини танирсиз? Гўзал ошёнда булбул янглиғ куйлаб, эл дардига малҳам бўлишга интилган Нодирабегим ғазалларидан ҳайратга тушарсиз!

Нодира...

Ўзбек адабиёти тарихида Лутфий ва Навоий, Бобур ва Машраб, Фурқат ва Муқимий, Нодира ва Уваийсий сингари ижодкорларнинг мўътабар номлари олтин ҳарфлар билан битилган. Нодира ўз салафлари анъаналаринни изчил давом эттириш билан ҳамоҳанг ўз даврасига етук шоира ва фозилаларни тўплади. Уларнинг ижод йўллари равон бўлишини ўйлади. Мушоараларга янги-янги ижодкорларни жалб этди.

Моҳларойим болалигиданоқ ўткир зеҳнли, нозик табиатли, хушфеъл, шу билан бирга ҳусн-малоҳатда якто бўлган. Ҳофиз, Фузулий, Бедил девонларини мутолаа қилган. Шу туфайли унинг ғазалларида дунёвий руҳ авж пардаларда куйланади, фикрнинг изчиллиги, сиқиқлиги, мантиқий боғланганлиги ва мисраларнинг соддалигига алоҳида эътибор беради.

Нодир қўлёзмаларда таъкидланишича, шайхулислом Маъсумхон тўра Андижон ҳокими Раҳмонқулибий қизини, яъни Моҳларойимни Умарбекка унаштиради. Тўй маросими жуда катта бўлган. Тўйдан сўнг Нодира Марғилонга келтирилади. Бу ерда у ижодни давом эттиради, марғилонлик шоира Жаҳон отин — Уваийсий мураббиялик қила бошлайди.

Нодира, Уваийсий, Маҳзуна ижодида энг яхши инсоний фазилатлар бўртиб туради. Нодира илк ижоди даврида Амирий билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида шундай ёзган эди: «...То андак фурсатда шеър қоидаларига мувонасат пайдо қилдим, назм фунунига моҳир, мазмун сипеҳрида соҳир бўлдим... ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра била савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр охири мисра била жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим».

Нодира ўз шеърларини аввал «Комила», кейинча «Нодира» тахаллуслари билан ёзиб, «Нодираи даврон» номи билан шуҳрат қозонган.

Нодира ўз ҳаётида ҳам, ғазалларида ҳам вафодор ёр образининг мужассам тимсолидир. Ўтмишнинг ҳамма шоирлари, адиблари инсониятни эзгу йўлга бошлаш учун тасаввур этилмиш оламни куйлаганлар, улар ўзлари яратган бу гўзал оламнинг муштоқи эдилар. Нодира эса, тақдир бошини сийлаган бир қиз эди. Ўзининг ҳусни жамоли, ақлу заковати билан халқ орасида достон бўлган бу соҳибжамол қизни толе мамлакат маликаси даражасига кўтарди. Умархондек ҳам шоҳ, ҳам забардаст шоирнинг рафиқаси бўлиш ҳам катта бахт эди, албатта. Нодира Умархоннинг энг севикли рафиқаси эди. Шоира Уваийсий Умархон билан Нодира орасидаги муносабатни шарқ адабиётидаги машҳур ошиқ-маъшуқлар билан қиёслаб ёзади:

Шаҳлар орасидадур Умархон,
Бир неча кун сурарди даврон.
Маҳпора эди унинг занфи,
Макнунди тахаллуси латифи —
У Юсуф эди, будур Зулайҳо,
Ул Вомиқ эди, бу эрди Узро,
Бириси Лайло, бириси Мажнун,
Бир-бирини муҳаббатига мамнун.

Уваийсийнинг бу шаҳодати ҳеч қандай шарҳга муҳтож эмас. Демак, Нодира билан Умархон тарихда жуда сийрак учрайдиган масъуд — бахтли оилавий ҳаёт кечирганлар.

Шунинг учун Нодира ўз ижодининг ибтидосидан интиҳосигача ўзини куйлади: у кулиб боққан бахтга тароналар ёзди, маъшуқа бўлиб ошиғини, Лайли бўлиб Мажнунини, Зулайҳо бўлиб Юсуфини куйлади. Ў ишқ-муҳаббат мавзуида сўз юритганда, қалби тўлиб-тошарди. Ошиқ ёҳуд маъшуқанинг руҳий ҳолати тасвирида, у муҳаббат майидан маст эди. Лекин бу кўҳна сўз материалидан Нодира мазмуннинг шундай тоза майини қўядики, у ҳар қандай ўқувчини завқ-шавқдан сархуш этади:

Нодира, жони муҳаббатни лаболаб ичибон,
Мастлик бирла қилай ишқ намозини адо...
Менга, эй Нодира, қисмат бу эркан,
Азал кундан бўлибдур ишқ пайдо.

Муҳаббатни бундай чуқур англаган, унга бундай кенг маъно берган Нодира оилавий ҳаётда вафо, садоқатнинг мужассам тимсоли эди. Шунинг учун Навоий вафони гавҳари ноёб деб атайди. Бу жиҳатдан қараганда, Нодира ўз шахсий ҳаёти билан бошқа қизларга намуна бўларли гавҳари ноёбдир. Ёрга вафо — Нодира ғазалларининг асли моҳияти, уларнинг мағзидир.

Нодиранинг вафо борасидаги ғазалларини ўқир экансиз, беихтиёр ғазал мулкининг султони Навоийни эслайсиз. Унинг ҳар бир сатрларида устоз ғазалларига моҳанд оҳанг янграйди. Вафони меҳр ва садоқат билан куйлашга интилади.

Шоиранинг вафо ва садоқат, айрилиқ ва ҳижрон ҳақидаги ғазаллари, муҳаммаслари ўтган асрда ҳам ва бугунги кунимизда ҳам севимли хонандалар томонидан куйланаётганлиги бежиз эмас. Бу оҳангларда ана шу меҳр ва садоқат куйланади.

Амир Умархон вафот этгач, мамлакатни Муҳаммад Алихон идора қила бошлади. Нодира маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди, ўз атрофига шоир ва олимларни йиғди, янги-янги асарлар яратилди. Бу ҳақда Хотиф шундай ёзади:

«Умархон вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси кунларини ҳасрату фироқ билан шу тариқа ўтишини ношукурчилик деб билди. У гулистондек, Чохорчаман боғига борди. Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, ҳаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди».

Йиғиб бир неча соҳиби фан жувонмард,
Ҳунар бобида эрди ҳар бири фард.
Бири нозикнавису зар қаламдур,
Бири тасвир илмида аламдур.
Неча соҳиб ҳунарким, эрди ҳамдам,
Бор эрди ҳар бир машҳури олам.

Маданиятимиз тарихини ёритишга хизмат қилувчи манбалардан бири Ҳакимхоннинг «Мунтаҳабут таворих» асарида ҳам Нодира сиймоси иззат ва ҳурмат билан қайд этилади. Жумладан, Ҳакимхоннинг ўзи шундай деб ёзади: «Фақир ва Муҳаммадалихон қоидага мувофиқ... ҳарамдаги аёлларнинг ҳаммасидан муҳтарам ва улуғи бўлган Моҳларойимнинг ҳузурига ҳар куни 3—4 мартаба кириб турар эдик. У бу фақирга ўз онамдан ҳам шафқатли ва яхшироқ эди. Кириб салом берар эдик ва соатларча унинг ёнида чой ичиб, суҳбатлашиб ўлтирар эдик».

Адабиётшунос олим Наим Каримовнинг таъкидлашича, устоз Ойбек ёзмоқчи бўлган саҳна асаридан бирини «Қаҳқаҳаи ҳусн» деб атамоқчи экан.

Адиб ҳужжат хонасида мавжуд бўлган ҳужжатлар орасида шу номдаги тарихий драма қатнашчиларининг рўйхати бор. Бу рўйхатга кирган бўлажак қаҳрамонларнинг барчаси тарихий шахслар бўлиб, улар XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон ва Бухорода Султон Умарҳон ва амир Насрулло саройларида яшаганлар. Ушбу рўйхатнинг ўзинёқ Ойбек ёзмоқчи бўлган асарнинг ғоявий мундарижаси тўғрисида озми-кўпми тасаввур беради.

Ғафур Ғулом ўзининг «Момойи гису набурида» очеркида Нодира ҳақида ёниб қалам тебратади.

«Бундан бир юз икки йил илгари Бухоро амири — амир Насрулло Қўқонни тормор қилди. Девонайи ҳақгўй билан Қашқадарёга қочиб кетаётган Муҳаммадалихонни туттириб келиб сўйдирди. Муҳаммадали (Маъдалининг) саройида бўлган тирик жонларнинг барини қилич дамидан ўтказди. Энг охири Муҳаммадалихонинг ягона ўғли Муҳаммадаминни ҳам олиб чиқдилар. Амир уни ҳам сўйишга буюрди. Жаллод Муҳаммадаминнинг қўлларидан кишандай бўғиб, ушлаб, зеркунда ёнига етакладди.

Шунда Афғонбоғ саройи эшигидан яланг оёқ, паришон соч, мўйсафид бир кампир додлаб чиқди:

— Ҳой, амир, — деди, — сенинг ўчинг Муҳаммадалида бўлса, ана қурбонинг, оёғинг остида ётибди. Бу норасиданинг нима гуноҳи бор, қўй, яшасин!

Амир Насрулло жаллодларга иккинчи фармонни берди:

— Бу гису бурида, набираси билан баравар, секин-секин ўлдирилсин!

Бу момо — ўзбек халқининг севимли шоираси Нодирахоним эди».

Хассос шоирамизнинг асарлари дунё кезмоқда. Адабиётшунос олим Ҳасан Қудратуллаев Қобулда бўлиб, Шафиқа Ёрқиннинг Нодирабегим девонини тузиш борасидаги изланиши ҳақида ёзади. «Нодира ижоди барча туркигўй ва форсигўй халқларнинг мулки, — дейди Шафиқа Ёрқин, — агарки у Қўқонда яшаган бўлса ҳам, ижоди биз — афғонистонлик ўзбеклар учун ҳам ўта қадрли. Шахсан мен учун Нодира ҳаёти, ижоди юксак намунадир. Руҳимнинг таскин топишига ҳам, серташвиш бугунги дамларимиздан оз бўлса-да фориғ бўлишда ҳам Нодира назмидан мадад ва жавоб оламан. Нодира — аёл қалбининг таржимони, кўзгусидир».

Нодирабегим ҳақида ўнлаб тадқиқотлар яратилди. Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Олим Шарафиддинов, Воҳид Зоҳидов, Тўхтасин Жалолов, Ўткир Рашид, Холид Расул, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Қаюмов, филология фанлари доктори М. Қодирова ва бошқаларнинг таҳлил мезонига айланди. Андижонлик олим ва драматург Ҳошимжон Раззоқов бундан ўттиз йил муқаддам «Нодира» драмасини ёзган ва у вилоят саҳнасида муваффақият билан қўйилган эди.

Нодирабегим ҳақидаги «Одамлар орасида танҳо» фильми, гарчи тарихий ҳақиқат бироз бузилиб кўрсатилган бўлса-да, томошабинларни мамнун этди. Таниқли шоир ва драматург Туроб Тўла «Қуввайи қаҳқаҳа» фожиаси (асар Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрида «Нодирабегим» номи билан қўйилган) ҳақида шундай деб ёзган эди:

«Нодирабегимнинг ўлими тўғрисида турли миш-мишлар юради. Баъзилар амир уни тириклайин тахмонга кўмиб, устидан ғишт териб юборган десалар, бошқалар унинг сўйиб ташланганини айтадилар. Яна бир гуруҳ кишилар Нодирабегимни жодига қўйиб, худди бедани қирққандек, унинг калласини қирқиб ташлаганларини ҳикоя қиладилар. Нодира қабрини бошқа жойга кўчириш асносида унинг калласи жодидан олинганлиги тўғрисидаги гаплар тўғри бўлиб чиқди. Айтишларича, енгилмас ирода ва сўнмас жасорат соҳибаси бўлган Нодирабегимнинг ҳаёти ана шу жодида узилган дақиқага қадар у амир устидан қаҳқаҳа отиб кулган ва ўз қаҳқаҳаси билан уни ерпарчин қилган экан».

Шу соний яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Машъум ўттизинчи ва эллигинчи йилларнинг туманли дамларида биз не-не алломаларимиз — олимлару адиблар, шоирлару санъат фидойиларимизни бой бериб қўйдик. Ёруғ кунларимизни тўсишга интилган кимсалар маърифатпарварларимизни з н и бизлардан айириб қўймоқчи бўлдилар. Йўқса, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Усмон Носирнинг «Нахшон» дурдона асарлари сингари Нодирабегим, Уваийсий, Маҳзуна, Дилшод Барно, Гулханий, Адо ҳаёти ва фаолияти ҳақида жозибали асарларимиз тўлиб-тошган бўларминди! Ахир орамиздан эрта ва норасида кетган устозларимизнинг ўзлари бир олам эди. Билимлари теран, ақллари расо ва ҳаётий тажрибага бой эдилар. Биз ана шу ноёб ақл эгаларини сийлаб, ардоқлаш ўрнига ғаразгўй кимсаларнинг ноғорасига ўйнаб, орқаворотдан тош отиб келдик. Китобларини қўлга олишга чўчидик, билиб-билмай ёнаётган оловга отдик.

Демак, биз ўтмиш тарихимиз олдида икки маротаба қарздормиз.

Нодирабегим ва Нодирабегимлар биз гумроҳларнинг гуноҳидан ўтса қанийди!

Ўтмишни билиб-билмай унга қора парда тортиб келдик. Халқимизнинг бугунини, эртасини ва келажагини ўйлаган борики амирларимиз, хонларимизнинг покиза руҳига лой чапладик.

Биз нафас олаётган ҳавомиз мусаффо. Замонимиз муқаддас. Республикамиз мустақил. Бу истиқлол ҳар биримизни янгича қараш, мулоҳаза юритишга ундамоқда.

Бизларнинг ҳар биримиз Нодирабегим ва Нодирабегимлар олдида қарздормиз!

Бу йил хассос шоира ва давлат арбоби Нодира туғилган кунининг 200 йиллиги нишонланар экан, бу қарзни уларнинг покиза руҳлари олдида ишонч ва умид билан айта оламизки — бадиий теран асарларимиз, билан ювишга интиламиз.

Мирза КАРИМ.

БОБУР МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Кейинги ўн йилликларда қанчадан-қанча боғ ва токзорлар ғорат этилгани, боболаримиз ардоқлаб келган ноёб мева навлари камайиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Қадриятларимиз қайта тикланаётган шу кунларда бир замонлар «Бобурнома»да мадҳ этилган сарҳил мева навларини тиклаш, боғу узумзорларни қўпайтириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ўтган йили Андижон вилояти деҳқончилик касаба уюшмаси қўмитаси янги мева навлари яратган, боғлар яратган боғбонларга Бобур мукофотини таъсис этган эди. Боғбонлар ичидан энг муносиблари соврин учун танлаб олинди.

Бобур номидаги биринчи мукофот марҳаматлик Мамасоли Абдуллаевга насиб этди. У қирлар бағрида боғ яратган, янги узум ва мева навларини қайта тикланишга катта ҳисса қўшган. (ЎзА).

• *Халқ аёлдан бошланади*

ОИЛА ФАРОҒАТИ— ХАЛҚ ФАРОҒАТИ

ОЧИҒИНИ айтсам, хотин-қизлар муаммолари илгаригидан ҳам мураккаблашиб кетаётир. Биз болаларимизнинг тарбияси ёмонлашиб бораётганидан, қизларимиз уят ҳиссини йўқотаётганидан, йигитларимизда мустақиллик етишмаётганлигидан, қўлида боласи билан адолат излаб юрган аёлнинг сатқаи кетган азиз онларидан куюнамиз ва бунга чора излаймиз. Хаттоки, ёш оилаларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлаётган айрим қайноналарни ҳам тартибга чақириб келаётирмиз. Бундоқ қараганда болалар тарбияси, эр-хотин жанжали, қайнона-келин муаммоси каби хотин-қизлар қўмиталарининг мангу мавзулари борки, бугун булар устига мутлақо янги вазифалар келиб қўшилаётир. Бу иқтисодий тангликни бартараф этиш учун кураш, оилаларни оғир аҳволдан омон-эсон олиб чиқишдир. Бугунги кунда ҳар қандай кенгаш, ҳар қандай жамоа ташкилоти, корхона, муассасанинг бундан жиддийроқ вазифаси бўлмаса керак.

Қўмитамиз ўз ишини вилоятдаги аҳволи ночор оилаларни аниқлашдан бошлагани ҳам бежиз эмас. Шундай қилиб, иш фаолиятимизнинг ана шу жиҳатлари билан сизни таништирмоқчиман.

Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошида «Бибихоним» номли хайрия жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили ўтказилган ҳайрия телемарафонидан 350 минг сўм тушган эди. Ўша заҳотиёқ ҳайрия пулларидан 30 минг сўмини энг муҳтож оилаларга тарқатдик. Самарқанд шаҳридаги қариялар уйига эса 50 минг сўмлик кийим-кечак совға қилдик. Ош дамлаб, дастурхон тузаб қарияларнинг меҳмон қилдик ва уларга томоша кўрсатдик. Шунингдек, уйларига ўт тушиб азият чеккан икки оиланинг ўн олти аъзосига фабрикада кийим-кечак тиктириб бердик. Шундай қилиб, қўмита ҳаммаси бўлиб, юздан зиёд оилага 50 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди.

Таниқли халқ табиби Бекмурод Жўраев «Бибихоним» хайрия жамғармасига ҳомийлик қилаётир. Қўмита қошида дўкон очиш ниятимиз бор. Унда қишлоқ аёллари тўқиган гиламлар, кашталар, улар қавиган чопонлар савдога қўйилади. Бу аёлларимизга ўзига хос ёрдам деб ўйлаймиз.

Юқордагилардан қўмита фақат хотин-қизларнинг моддий манфаатдорлиги ҳақида қайғурар эканда, деб ўйламанг. Вилоятда хотин-қизлардан раҳбарлик ишларига кўтарилиш тарафдоримиз. Ана шундан аёллар муаммоларини ечиш эҳтимол бироз енгиллашар, оналарни тунги сменалардан озод қилиш, меҳнат отпускаларини кўпайтириш ҳам жуда зарур. Олий ўқув юртлари, ўрта мактабларда ахлоқ-одоб дарслари учун алоҳида ўқув соатлари жорий этиш вақти келди. Бусиз тарбия ишини кўнгилдагидек йўлга қўяолмаймиз. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раисларига маош тўлашни жорий этиш ва уларнинг обрўйини кўтариш керак. Токи, ҳар қандай муаммо ўз жойида ечилсин. Баъзида район миқёсида ҳал этиш мумкин бўлган масала вилоят, вилоятдаги эса республика юқори ташкилотларида «ос-ос» бўлиб ётади. Хотин-қиз қўмиталари муассис бўлган рўзномаларнинг ташкил этилиши ҳам самара беряпти. Биз ўз фаолиятимиз, иш режаларимиз ҳақида халқ билан бевосита учрашувлардан ташқари радио эшиттиришлари ва вилоят телевидениеси орқали мулоқотда бўлиб турибмиз. Агар ниятимиз амалга ошиб, «Бибихоним» деб номламоқчи бўлган рўзномамизни чиқаришга эришсак, имкониятларимиз яна да кенгаяди.

Ишимиз кўп. ниятимиз холис: оилалар тинч-тотув яшашсин, болалар етим қолмасин, одамлар кўзида бир-бирига меҳр-муҳаббат товлансин.

Бибисора ТУРОБОВА,
Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.

• *Дунё ишлари*

ҚУВОНЧ ВА АЛАМ

● «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 30 май сонида «Қувонч ёшлари» сарлавҳали хабар босилган эди. Унда Избоскан ноҳиясида яшовчи меҳнат фахрийси, иккинчи гуруҳ ногирони Ашурали Отахоновнинг уйи зилзила оқибатида қулаб тушгани, унинг хонадонига ҳол сўрагани кирган Наманган вилоятининг ҳокими Бургутали Рапиғалиев уй қуриб беришни ваъда қилгани айтилган эди.

Ҳоким ўз сўзининг устидан чиқди. Илҳомжон Ботиров бошлиқ Ҳаққулобод махсус механизациялашган кўчма жамоаси Ашурали Отахонов оиласига уч хонадан иборат олди айвонли уй қуриб берди. Қурилишда йигирма нафар киши ғайрат-шижоат кўрсатди. Айниқса прораб Аҳмаджон Абдуллаев, бригада бошлиғи Маъмуржон Ҳолдоров, қўли гул усталардан Ҳолмурод Ҳамзаев, Тўрахўжа Имомов, Абдурасул Турсунов ва бошқалар вақт билан ҳисоблашмай ишладилар.

Қўшни вилоят ҳисобидан қурилиб, ҳадя этилган уйни Андижон вилоят ҳокимининг муовини А. Қосимов, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шоқиров, Избоскан ноҳия ҳокими У. Иброҳимов ва бошқалар қабул қилиб олдилар ҳамда наманганлик ҳиммати баланд дўстларга миннатдорчилик билдирдилар.

Бир ярим йилдан бери ўрнидан туролмаётган бемор Ашурали Отахонов фарзандлари янги иморатга кўчиб кирганини кўриб, кўнгли тоғдай кўтарилди...

Минг афсуски, бу қувонч аламга уланиб кетди. Оила ташвишидан фориғ бўлган бемор Ашурали Отахонов куни кеча ёруғ дунё билан видолашди. На чора, марҳумнинг охирати обод бўлсин.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси

ЖАРЧИНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Доришунослик—кундузги ва сиртқи бўлимларга;
Биотехнология (тайёр дори моддалари ва фитопрепаратлар технологияси) — кундузги бўлимга;

Агрономия (доривор ўсимликлар экологияси ва парвариш қилиш технологияси) — кундузги бўлимга.

Биотехнология ва агрономия ихтисосликларида ўқиш фақат ўзбек тилида олиб борилади.

Олий билимгоҳ жумҳурият корхоналари, колхозлар, совхозлар, фармация бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида умумий танлов асосида тузилган шартномалар билан ҳам абитуриентлар қабул қилади.

Сиртқи бўлимга доришунослик мутахассислиги бўйича ўрта махсус ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Ариза ва ҳужжатлар кундузги бўлимларда 25 июндан 1 августгача, сиртқи бўлимда 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган 086/У намунасидаги тиббий маълумотнома, 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Қирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

Доришунослик ихтисослигида—кимё (оғзаки), биология (оғзаки), она тили (диктант).

Биотехнология ихтисослигида—риёзат (оғзаки), кимё (оғзаки), она тили (диктант).

Агрономия ихтисослигида — биология (оғзаки), кимё (оғзаки), она тили (диктант).

Ҳамма ихтисосликларда биринчи имтиҳон мутахассисликка оид ҳисобланади.

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль, ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатган абитуриентлар биринчи мутахассисликка оид имтиҳонни топширадилар. Биринчи имтиҳондан «аъло» баҳо олганлар қолган имтиҳонларни топширмайдилар ва талабаликка қабул қилинадилар, агар тўрт ёки уч баҳо олсалар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Кириш имтиҳонлари сиртқи бўлимда 25 июлдан, кундузги бўлимларда эса 1 августдан бошланади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тошкент метросининг «Ойбек» бекати.

БИЛИМИНГИЗНИ ОШИРАСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

ЕШЛАР ИНСТИТУТИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

1992 йил сентябрь ойидан бошланадиган ходимлар қайта тайёрлов ўқувига қуйидаги ихтисослар бўйича тингловчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Ижтимоий иш» — ўқиш дастурида: рухшунослик, ижтимоий педагогика, социология, ижтимоий соҳадаги иқтисод ва бошқарув, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, компьютер ва тилга оид тайёрловлар бор.

«Менежер — иқтисодчи» — ўқиш дастурида: бозор иқтисодиёти, менежмент ва маркетинг, биржа ва ташқи иқтисодий фаолият асослари, рухшунослик ва социология, компьютер ва тилга оид тайёрловлар мавжуд.

Ўқиш муддатлари:
кундузги бўлимда — 9 ой;
сиртқида — 2 йил.

Аризалар 1992 йилнинг 30 июлигача қабул қилинади.

Ўқишни муваффақиятли тугатган шахсларга қабул қилинган намунадаги диплом (сертификат) топширилади.

Қўрсатилган ихтисосларга олий маълумотли, суҳбатдан муваффақиятли ўтган тингловчилар қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲ: 700077, Тошкент, Ипак йўли кўчаси, 71.

ТЕЛЕФОНЛАР: 68-83-41, 67-65-33.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун
кундузги бўлимга қуйидаги
МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Математика, Физика, Кимё, Биология, География, Тарих, Рус тили ва адабиёти, Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, Ўзбек тили ва адабиёти, Тожик тили ва адабиёти, Инглиз тили, Немис тили, Француз тили, Форс тили, Араб тили, Турк тили, Жисмоний маданият, Чизмачилик ва тасвирий санъат, Декоратив ва амалий санъат, Музей иши, Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш, Агрохимия ва тупроқшунослик, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, Қасбга ўқитиш ва умумтехника фанлари, Бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, Педагогика ва психология (мактабгача), Бошланғич таълим педагогикаси ва услубиёти.

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА УНИВЕРСИТЕТГА ҚИРУВЧИЛАР ТЕСТ СИНОВИДАН ЎТКАЗИШ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Математика, Физика, Кимё, Биология, География, Тарих, Ўзбек тили ва адабиёти, Рус тили ва адабиёти, Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, Чет тиллари, Қасбга ўқитиш ва умумтехника фанлари, Педагогика ва психология, Бошланғич таълим педагогикаси ва услубиёти.

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ТАНЛОВ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ:

Музей иши, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш: тарих (ёзма), она тили ва адабиёти (иншо), чет тили;

Тожик тили ва адабиёти — тожик тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), чет тили.

Чизмачилик ва тасвирий санъат — чизмачилик, расм, она тили ва адабиёти (диктант);

Декоратив ва амалий санъат: — расм, чизмачилик, она тили ва адабиёти (диктант);

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш — математика (ёзма), география (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо).

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш — физика (ёзма), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Агрохимия ва тупроқшунослик — биология (ёзма), кимё (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Жисмоний маданият — жисмоний маданият, биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия — ҳарбий тайёргарлик, жисмоний маданият, она тили ва адабиёти (диктант)...

Аризалар 25 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.

Тест синовлари 5 августда ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари — 1—18 августда ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатни (асли), 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномани, 3х4 ҳажмдаги 6 дона суратни илова қиладилар. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Қабул 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш Қоидалари асосида амалга оширилади.

Эслатма: эълонга қўшимча бўлиши мумкин.

Манзилгоҳимиз: 705018, Бухоро шаҳри, «Ўзбекистон 40 йиллиги» кўчаси, 11, II ўқув корпуси.

7, 14-автобуслар, 1-троллейбус, «Университет» бекати. Телефонлар 3-26-81; 3-94-06.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

кундузги бўлимга
1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОМАТИК ЭЛЕКТР АЛОҚА (ихтисослари — электр алоқасини бошқарувчи тизимлар, дискрет ахборотларни узатиш ва автоматик коммутация тизимлари);

КЎП КАНАЛЛИ ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ (ихтисослари— алоқа ускуналарини ва иншоотларини монтаж қилиш, кўп каналли узатиш тизимларини лойиҳалаш ва ишлатиш);

РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕКЎРСАТУВ.

Кундузги бўлимга қабул барча мутахассисликлар бўйича имтиҳонсиз, яъни тест усулида Ўзбекистон Республикаси талаба танлов маркази томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатлар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Тест синови 5 август куни ўтказилади.

Талабаликка тасдиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссияси қарори билан тест синовлари натижаларига асосан расмийлаштирилади.

Қирувчилар ўз аризаларига қўшиб қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта ёки ўрта махсус мактабни тамомлаганликлари ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 дона расм (3х4 см.да). 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома қўшиб топширилади. Ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади. Институтда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул масаласига оид барча маълумотларни олий билимгоҳ қабул комиссиясидан олишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700084, Тошкент, Е—84, Амир Темур кўчаси (аввалги Энгельс кўчаси), 108-уй, ТЭАИ.

Телефон: 35-77-75.

СИРҒАЛИ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

савдо тайёрлов базаси бройлер жўжаларининг туркумини бозор нархидан арзон қийматда

СОТАДИ

Мурожаат учун Тошкентдаги телефонлар: 58-86-40, 57-70-20.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ИНСТИТУТИ

1992 йил 27 июнда

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Йиғилиш 10.00 да ТАЙОБ Маданият Саройида бўлади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй. ТАЙОБ.

Транспорт воситалари: автобус: 25, 60., Трамвай: 1, 5, 13, 25, 28. Троллейбус: 1, 8, 10, 20, «Санъат музейи» бекати.

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 1992 йил 1 июлга қадар қабул қилинади.

Қўмондонлик.

Тошкент шаҳар Бектемир ноҳиясидаги «Труд» кооперативи

ТУГАТИЛАДИ

Унинг мол-мулкини, қарз ва даъволарини янги тузилаётган кичик корхона «Даргоҳ» ўзига мерос қилиб олади.

Даъволар Бектемир ноҳияси ҳокимлигида эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон телевидениеси илмий-оммабоп ва ўқув кўрсатувлари таҳририяти бош муҳаррири Ф. Юнусовага волидалари

Маҳфуза АБУТОЛИБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия олийгоҳи молия-иқтисод куллиётининг собиқ декани Н. Абдуллаевга рафиқаси

Шарифа АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Техника Дорилфунуни жамоаси социология ва психология кафедрасининг доценти

Лапос Қодирович ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода— 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Илгача 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—182.
№ 124.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.